# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 19 июль, № 145 (8768) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров рафиқаси билан бирга 18 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**



Тошкент шаҳри халқаро аэропортида уларни давлатимиз раҳбари ва рафиқаси кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортди.

Қўшнисига яхшилик соғиниб, ҳамиша тинч бўлишини тилаган, ютуғидан қувонадиган халқмиз. Оналаримиз тансиқроқ бирор егулик пиширса, аввал бир девор нарига, ҳамсоясига илинган. Ўзига раво кўрганини бошқалар билан ҳам бўлишган. Бунда катта ҳикмат бор.

Ота-боболаримиз бир рўзғорнинг бошқалардан айро бахтиёр бўла олмаслигини яхши билган. Куч бирликда эканлигини таъкидлашларининг маъноси ҳам шунда.

Мамлакатимизнинг кейинги йилларда қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга интилаётгани замирида ҳам ана шу кўп йиллик қадрият мужассам.

Ўзбекистон Қирғиз Республикаси билан “бир девор” қўшни. Қуда-анда, борди-келди, олди-сотди масалалари ўзига хос тарихга эга.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Тошкент шаҳрига келгач Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Қирғиз Республикаси делегацияси вакилларига мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Кўксарой қароргоҳида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутиб олди ва шоҳсупага таклиф қилди. Ҳарбий оркестр икки давлат мадҳияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, кейинги йилларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликни тубдан кенгайтириш учун яхши замин яратилганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сиёсат ва тармоқ идоралари даражасидаги мулоқотлар натижадорлигини ошириш, халқаро ва минтақавий майдонлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари, “Марказий Осиё плюс” форматлари доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳа таклифлари кўриб чиқилди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорликни, жумладан, Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалиги, экология, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Мазкур саммитга тайёргарлик доирасида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти ва қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди.

Савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, хавфсизлик, маданият ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорлик натижалари танқидий таҳлил қилинди.

Музокаралар давомида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар, ишбилармонлар, экспертлар ва жамоатчилик даражасида фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатлараро кенгаш тузишга қарор қилинди.

Халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, БМТ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва бошқа кўп томонлама майдонлар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, энг аввало, импорт ўрнини босиш дастурлари ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Шу мақсадда ташриф давомида ўзаро савдо ҳажмини оширишга қаратилган дастур қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, яқин йилларда 2 миллиард доллар кўрсаткичига чиқиш учун пойтахтларда савдо уйлари ташкил этилади, экспорт-импорт шартномалари тўплами шакллантирилади, экспортолди молиялаштириш воситалари жорий этилади, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тезкор ташиш бўйича “яшил йўлак” ишга туширилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бундан ўттиз уч йил олдин ўта оғир ва мураккаб тарихий вазиятда қўлга киритилган миллий истиқлолимиз бугунги кунда кўп миллатли бутун халқимизни Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари илҳомлантирмоқда.

Айнан мустақиллик туфайли мамлакатимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Дунё бизни янгитдан таниди ва тан олди. Ер юзидаги турли давлатлар ва халқлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларимиз тобора кенгайиб, юртимизнинг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузи ортиб бормоқда.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида мустақил давлат бўлиб, дунёга очилиб яшаш, эркин ва озод халқлар оиласида муносиб ўрин эгаллаб, замонавий тараққиётга эришиш нақадар улуғ бахт ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Халқимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат борасидаги туб ўзгаришлар, эришилаётган амалий натижалар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Барчамиз инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритган зафарларимизни мустақил тараққиёт ғоясига ҳамиша содиқ, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти маҳсули деб биламиз ва ана шундай олийжаноб элнинг фарзандлари эканимиздан чексиз фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик шонли санасини чинакам умумхалқ байрами, озодлик ва саодат айёми сифатида кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ҳамда мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, юксалиш суръатларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):

бир ҳафта муддатда **“Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини тасдиқласин. Мазкур дастур “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, шунингдек, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” бўйича қабул қилинган давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрлансин;

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами (кейинги ўринларда — Мустақиллик байрами) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланишини таъминласин;

ҳудудларда кенг аҳоли қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, уч авлод учрашувларини, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, миллий кино кунлари, сайиллар, маданият ва спорт тадбирлари, гастрономик фестивалларни самарали ўтказиш мақсадида **атоқли илм-фан намояндалари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли спортчилар, кенг жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин** ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритишини таъминласин;

Мустақиллик байрамига бағишланган барча тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирларининг дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ҳамда тажрибага эга бўлган сценарийчи ва режиссёрлар, шоир ва адиблар, бастакор ҳамда балетмейстерлар, саҳна рассомлари, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

юртимизда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари етакчи ўринда турадиган ижтимоий давлат ва халқпарвар жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишлар, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан эришилаётган улкан натижаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маҳаллалар, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида маърифий учрашув ва суҳбатлар ўтказиш;

кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтириш, “яшил” ва рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган йирик дастур ва лойиҳалар ҳамда бу борада қўлга киритилаётган ютуқларни аниқ ҳаётий мисоллар орқали кенг ёритиш;

суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, маҳалла тизимини халқимизга янада яқинлаштириш йўлидаги доимий саъй-ҳаракатлар ва уларнинг самараси ҳақидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш;

юртимизда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора мустаҳкамланиб, минтақамиздаги яхши қўшничилик, тинчликсевар ташқи сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалаётгани, дўст ва ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётганини чуқур таҳлиллар асосида кўрсатиб бериш;

навқирон авлодга Янги Ўзбекистоннинг келажаги сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшлар билан ишлаш бўйича ноёб тизим яратилиши натижасида уларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда шаклланган самарали ва таъсирчан тизим моҳиятини очиб бериш;

соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, нуронийлар ва хотин-қизларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар мазмунига алоҳида эътибор қаратиш;

давлатимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳарбий ва жанговар қудратини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш;

Мустақиллик байрами муносабати билан кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;

Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатағон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини ёд этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин ҳамда уни юксак ғоявий-бадиий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

Бадиий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси билан биргаликда **“Она диёр — ранглар жилосида”**, **“Ватан учун яшайлик!”**, **“Энг улуғ, энг азиз”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этувчи **энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари** танловларининг якуний босқичини ўтказсин;

мазкур танловларнинг ғолиб ва совриндорларини Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиш ва уларни тантанали равишда тақдирлаш чораларини кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ТЕРМИЗ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимининг уйғунлигини таъминлаш, олий таълим муассасаларининг мавжуд ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали Сурхондарё вилояти иқтисодиёт тармоқларининг, жумладан, ишлаб чиқариш, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар соҳалари бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтини қўшиб юбориш орқали уларнинг негизида **Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университетини** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Университет давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимида фаолият юритади.

2. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда ҳудуднинг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжига мувофиқ олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ҳамда етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари тажрибаси асосида ишлаб чиқилган таълим дастурларини жорий этиш;

ихтисослик соҳалари бўйича таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтириш ҳамда таълим дастурларининг ишлаб чиқариш жараёнлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

соҳа ташкилотларида талабаларнинг малакавий амалиётини ва профессор-ўқитувчиларнинг стажировкасини ташкил этиш, шунингдек, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

амалий ва фундаментал илмий тадқиқот ишлари ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш;

талабаларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.

3. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Университетда **Илғор муҳандислик мактаби** фаолиятини ташкил этсин.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Саноат кооперацияси доирасидаги жорий лойиҳалар портфели 300 миллион долларга етгани таъкидланди. Куни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида энергетика, логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқларда савдо шартномалари ва инвестиция битимларининг янги тўплами қабул қилинди.

Бундай лойиҳаларни илгари суриш учун Ўзбекистон — Қирғизистон жамғармасининг устав капитали 200 миллион долларгача оширилади.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик йўналиш этиб белгиланди.

Қамбарота ГЭС-1 қурилишига доир битимни тез фурсатда имзолаш ва лойиҳанинг амалий босқичини бошлаш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, икки мамлакат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда кичик гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик дастури тайёрланади.

Минтақада транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳа тўғрисидаги уч томонлама битим имзолангани бу борада тарихий воқеа бўлди.

Учрашувда истиқболли транспорт лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ҳудудлари савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳақиқий драйверлари экани таъкидланди. Шу маънода, Бош вазирлар раислигидаги Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида фаол алоқалар давом эттирилади.

Ҳудудлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари жадвалини тайёрлаш ва қўшма "йўл хариталари"ни янгилашга келишиб олинди.

Қишлоқ хўжалиги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этишни назарда тутувчи агрокооперация дастури амалга оширилиши қайд этилди.

Маданият, ёшлар, туризм, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол алмашинувлар давом эттирилади.

Келгуси йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар тақвимини тайёрлашга келишиб олинди.

Йиғилишда Бош вазирлар ўринбосарларининг ҳисоботлари ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан аниқ таклифлари тингланди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари қўшма "Йўл харитаси"ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини йўлга қўйиш бўйича топшириқ бердилар.

Икки томонлама музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Жумладан, Фарғона ва Наманган вилоятларида умумий қуввати 400 мегаватт бўлган иккита қуёш электр станцияси қурилишига старт берилди. Ушбу станцияларда ишлаб чиқариладиган электр энергияси Қирғизистонга етказиб берилиши кўзда тутилган.

Чуй вилоятида замонавий енгил автомобиллар ва тижорат техникалари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Хусусан, у ерда "Кобальт", "Оникс" ва "Трекер" русумли енгил ҳамда юк автомобиллари йиғилади.

Шунингдек, Қора-Балта шаҳрида тикув-трикотаж маҳсулотлари ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага замонавий технологик ускуналар етказиб берилиб, ўрнатилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ўртасида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди, жумладан:

— Қирғиз Республикасининг Иссиққўл вилояти ҳудудида жойлашган курорт-ҳордиқ хўжалиги объектлари бўйича ҳукуматлараро битим;

— Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома;

— Қурилиш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Меҳнат, аҳоли бандлиги ва миграция соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Давлат хизмати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— 2024 — 2030 йилларда ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— 2024 — 2026 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

— 2024 — 2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси";

— 2024 — 2026 йилларда Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий институти ўртасидаги меморандум ва бошқалар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ўзбекистон раҳбари Қирғизистон Президентининг давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ва мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берганини таъкидлади.

Бу галги саммитга биргаликда жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилгани қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти самарали ўтди. Шу кунларда мамлакатимиз ҳудудларида Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилмоқда.

Ҳар доимгидек очиқ, конструктив ва дўстона руҳда ўтган бугунги музокаралар якунлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Келгусида ўзаро ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган Кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ташрифнинг асосий сиёсий ҳужжати бўлди.

Президентлар раислигидаги Давлатлараро кенгаш тузиш бўйича келишувга эришилди.

Етакчилар саноат кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида янги ўсиш нуқталарини яратиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Булар энергетика, автомобилсозлик, транспорт ва логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалардир.

Ҳудудлар ўртасидаги тизимли мулоқотни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши ишини фаоллаштиришга келишиб олинди. Ўзаро ташрифлар жадвали тайёрланиб, ҳамкорлик бўйича "йўл хариталари" янгиланади. Лойиҳалар портфелини йил якунига қадар 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги соҳасида янги имкониятларни белгилаб бердилар. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, фьючерс битимларидан фойдаланган ҳолда интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этиш шулар жумласидан.

— Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш стратегик лойиҳаси бўйича уч томонлама битим имзолангани тарихий воқеа бўлди, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги янги лойиҳаларни ўрганиш учун экспертлар гуруҳини ташкил этишга келишиб олинди.

Кичик гидроэнергетика соҳасида алоҳида ҳамкорлик дастури тайёрланиши қайд этилди.

— Қамбарота ГЭСси қурилиши тўғрисида уч томонлама битим қабул қилишни тезлаштириш чораларини кўрамиз. Ушбу мегалойиҳа, шубҳасиз, бутун минтақамизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Маданият, ёшлар, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол мулоқот ва алмашинувлар давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари сайёҳлик алмашинувини ривожлантириш имкониятларини алоҳида қайд этди. Айни пайтда Тошкентдан Бишкек ва Томчига тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилган.

Ташриф давомида Ўзбекистоннинг Иссиққўлдаги санаторий-курорт мажмуалари тўғрисида битим имзоланди. Июль ойи бошида Ўзбекистон томони учта объектни ишга туширди, улар меҳмонларни қабул қилмоқда. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг якунида музокаралар натижаларидан мамнунлигини изҳор этди ҳамда Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи самаралари ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга, ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров рафиқалари билан бирга Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бошланишига бағишланган концертда иштирок этдилар.

Икки мамлакат санъат усталарининг ушбу концерти чуқур тарихий илдизлар билан боғланган, дини бир, қадрият ва анъаналари муштарак ўзбек ва қирғиз халқларининг кўп асрлик дўстлиги ифодаси бўлди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли қардош халқлар янада яқинлашди, давлатлараро муносабатлар эса кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Истеъдодли санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқларда халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга муштараклиги ўз ифодасини топди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТЕРМИЗ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда:

Илғор муҳандислик мактаби юридик шахс мақомисиз ташкил этилади ҳамда унда таълим олиш учун академик кўрсаткичлари юқори бўлган талабалар танлов асосида сараланади ва **амалиётга йўналтирилган махсус таълим дастурлари асосида ўқитилади**;

Илғор муҳандислик мактаби йўналишига мос саноат ҳамкорлари белгиланиб, уларнинг техник ва технологик тараққиётини таъминлаш учун замонавий **лабораториялар ташкил этилади**;

Илғор муҳандислик мактабида саноат ҳамкорлари томонидан тақдим этилган **муаммолар портфели асосида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш йўлга қўйилади**;

Илғор муҳандислик мактабида амалга ошириладиган амалий ва инновацион лойиҳаларни саноат ҳамкорлари ва Инновацион ривожланиш агентлиги маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштириш тизими жорий этилади;

Илғор муҳандислик мактаби фаолияти Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

йирик ишлаб чиқариш корхоналарини Университетнинг **Илғор муҳандислик мактабига саноат ҳамкори сифатида бириктириш** ҳамда самарали фаолиятни тизимли давом эттириш;

етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларида фаолият юритувчи **чет эллик ва (ёки) хорижда яшовчи ватандош мутахассисларни шартнома асосида** Илғор муҳандислик мактаби фаолиятига жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Қуйидагилар:

2024 — 2027 йилларда Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети фаолиятини ташкил этиш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича **"Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ҳамда Термиз давлат педагогика институтига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул **бериладиган объектлар рўйхати** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) **2024/2025 ўқув йилига қадар**:

Университет бошқарув кадрлари лавозимларига етакчи хорижий олий таълим ташкилотларида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларнинг жалб этилишини;

Университетнинг танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва (ёки) амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Университет талабаларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичини ва профессор-ўқитувчиларнинг иш самарасини **халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимининг** жорий этилишини;

Университетда Таълим хизматлари маркази ташкил этилишини ҳамда талабаларга ўқиш давомида вужудга келадиган ташкилий ва ҳуқуқий масалалар юзасидан барча зарур хизматларнинг "ягона дарча" тамойили асосида кўрсатилиши йўлга қўйилишини таъминласин;

б) Университет ҳузурида техника ва қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи ихтисослашган илмий кенгашлар фаолиятини белгиланган тартибда ташкил этиш чорасини кўрсин;

в) **2025/2026 ўқув йилидан бошлаб**:

Университет профессор-ўқитувчилари ва докторантларини хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотларига **илмий стажировка ва малака оширишга** юбориш;

Университетнинг бакалавриат ва магистратура босқичларига ўқишга қабул қилинган иқтидорли талабалар учун **хорижий тилларда ўқитиладиган алоҳида гуруҳлар** ташкил этиш чораларини кўрсин.

6. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингида олий таълим муассасалари орасида **биринчи 300 талик рўйхатга кирган хорижий олий таълим ташкилотининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш**;

Университет фаолияти йўналишлари бўйича шартнома асосида **маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматлар кўрсатиш** ҳамда илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

таълим ва илмий-тадқиқот жараёнига **хорижий мутахассисларни жалб қилиш** ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий тадқиқот ишлари ва "Устоз — шогирд" тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси ҳамда талабаларнинг эришган ютуқлари бўйича рағбатлантириб бориш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишини Университетда давом эттиради ҳамда 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда Университет дипломи берилади;

б) Университет Термиз муҳандислик-технология институти ҳамда Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

в) Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грантлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида тасдиқланган бюджет параметрларига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда амалга оширилади, 2025 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А.Шарипов ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими У.Б.Қосимов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 июль

Акс садо

## Азалий дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган кенг қамровли муносабатлар

*Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ тарихга бориб туташади. Келиб чиқиши, дини, тили ва урф-одатлари муштарак бу икки халқ ҳар доим бир-бирини қўллаб келган. Халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, охирги йилларда юқори суръатларда ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда, шубҳасиз, икки мамлакатнинг миллий манфаатлари ҳамда давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган доимий мулоқоти муҳим аҳамият касб этмоқда.*

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 2017 йил 5 октябрдаги Стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик барча соҳада стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Икки халқ ўртасидаги бордикелди муносабатлари тобора кенгайиб бораётгани ҳам эътиборга молик.

Савдо-иқтисодий муносабатларга назар ташласак, улар динамик тарзда ўсаётганини кўришимиз мумкин.

Икки мамлакатнинг кўп қиррали ҳамкорлигида парламентлараро алоқалар муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2017 йилда Қирғизистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғиз Республикаси парламенти ўртасида парламентлараро ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Унга биноан ҳамкорликни юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида 2020 йилда Парламентлараро комиссия ташкил қилинган бўлиб, у ҳозирда самарали фаолият олиб бормоқда.

Қирғиз Республикаси Президентининг мамлакатимизга бу галги давлат ташрифи ва унинг доирасида ўтказилаётган музокаралар ўзбек — қирғиз муносабатлари янада фаоллашиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Музокараларда икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика ва ҳудудлараро ҳамкорликни мамлакатларимиз салоҳияти даражасида ривожлантириш масалаларига кенг урғу берилаётгани барчамизни бирдек мамнун этади.

Умуман, бу галги ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар ҳамда парламентлараро алоқаларни янада кенгайтиришга ижобий туртки беради, деб ишонамиз.

**Манзура САЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор.**

# БИЗНЕСДА АЁЛЛАР УЛУШИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

*Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенати ва Савдо-саноат палатаси томонидан "Мен муваффақиятли тадбиркор аёлман" тадбиркор аёллар форуми ўтказилди.*

Форум

Юртимизда аёллар тадбиркорлигини янги босқичга кўтариш ҳамда бизнес вакилаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бу тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда юртимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган 200 нафардан ортиқ етакчи тадбиркор аёллар иштирок этди.

Сенат Раиси ўз сўзида тадбиркорликка энди қадам қўяётган аёлларни қўллаб-қувватлаш, молиявий имкониятларини кенгайтириш, ишбилармонлик кўникмаларини ошириш мақсадида уларни доимий тарзда ўқитиб бориш, юқори технологияли касбларга ўргатиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Айни чоғда янги ишланмаларга асосланган стартап лойиҳаларни қўллаш, ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашиш учун мулоқот майдони ташкил этиш, халқаро тузилмалар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Форум доирасида тадбиркорликда муваффақиятга эришган аёллар ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда ишбилармон аёллар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган хотин-қизлар сони 200 мингдан ошди, иқтисодиёт ва саноат тармоқларидаги улуши 46 фоизни ташкил этмоқда. Қолаверса, кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан кўпроғи ва фермер хўжаликларининг 4,5 мингдан ортиғини опа-сингилларимиз бошқариб келмоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, Президентимизнинг тегишли Фармони билан жорий йилдан бошлаб аёллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ташкил этиш учун 100 миллион доллар ажратила бошланди. Бу орқали келгуси икки йилда кичик ва ўрта бизнесда хотин-қизларнинг улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш ният қилинган.

Айни шу мақсадда бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва муаммоларини бартараф этиш учун жойларда уларни тадбиркорликка ўқитиш ва соҳа бўйича кўникмаларини шакллантириш ҳамда фаолият бошлаши учун кредит олишда амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилди.

Форумда таъкидланганидек, яқин-яқингача аёллар тадбиркорликнинг айрим соҳаларида, хусусан, хизматлар ва қисман тўқимачилик йўналишида фаол иш олиб борган бўлса, бугунга келиб бизнеснинг ҳар бир тармоғига шиддат билан кириб келмоқда. Асосийси, улар барча йўналишда салмоқли натижаларни қўлга киритишаётир.

Тадбир давомида бизнесда аёллар иштирокини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Шунингдек, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий тадбиркор аёлларнинг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Форум якунида иштирокчиларнинг муҳим саналган йўналишлардаги аниқ таклифларини ўз ичига олган Мурожаат қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Эронлик тадбиркор Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида писта етиштириш лойиҳасини амалга оширади.

# ПАРЛАМЕНТ ШАФФОФЛИГИ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИГИ – АСОСИЙ МАҚСАД

## Замонавий ёндашув ва мутлақо янги тамойиллар рўёби

Бугунги кунда халқимиз сайлаган олий давлат вакиллик органи — парламент мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора мустаҳкам ўрин тутиб, давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ҳаётий ислоҳотларнинг асосий ижрочисига айланмоқда. Албатта, бунда қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятига замонавий ёндашув ва мутлақо янги тамойилларнинг татбиқ қилинаётгани долзарб аҳамият касб этаётир. Натижада Олий Мажлиснинг шаффофлиги ва унинг халқ олдидаги ҳисобдорлиги оширилди, фуқаролар мурожаатларига муносабат билдиришнинг таъсирчан механизми ўрнатилди, одамларни безовта қилаётган масалаларга янада кўпроқ эътибор қаратилиши таъминланди.

Аҳамиятли жиҳати, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, энг муҳими, буни ишлаб чиқилаётган қонунларда акс эттириш депутатлар корпуси ишида устуворликка эга бўлди. Бу ҳар бир фуқаронинг жамият тараққиётига дахлдорлиги юксалиб бораётгани, қабул қилинаётган қонунлар уларнинг ҳаётига ўзгаришлар олиб киришига ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Шу ўринда қуйи палатанинг ярим йиллик фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган вақтда қонунчилик жараёнида фаол ислоҳотлар, ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз. Янги таҳрирдаги Конституция, бир қатор Конституциявий қонунлар, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури асосида қуйи палатада ташкил этилган ишларда, энг аввало, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини кафолатлашга устувор масала сифатида эътибор берилди. Бу эса Асосий Қонунимизда белгиланган нормаларни изчил рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

## Қонун ижодкорлиги фаолиятида масъуллик ва натижадорлик

Қонун ижодкорлиги — парламент фаолиятининг энг муҳим, биринчи галдаги вазифасидир. Ҳисобот даврида қуйи палатанинг ушбу йўналиши мамлакатимиз Президенти бошчилигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатасида кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг сони ва ҳажми сезиларли даражада ошди. Хусусан, 110 та қонун лойиҳаси ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан янги таҳрирдаги Конституция нормалари асосида илк бор қонунчиликка таклиф киритиш институтидан фойдаланилиб, Қонунчилик палатасига Солиқ кодексига қўшимча киритиш бўйича таклифи кўриб чиқилди.

Палата томонидан 64 та қонун лойиҳасини ўз ичига олган жами 48 та қонун қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Депутатларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам сезиларли даражада жонланиб, улар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан самарали фойдаланилди. Хусусан, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллигида депутатлар ташаббуси билан 6 та қонун лойиҳаси киритилган бўлса, жорий йилнинг мос даврида улар томонидан 16 та қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилди.

Қонунларнинг сифатли, халқчил бўлиши ва жамоатчиликнинг қонун ижодкорлигидаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувлари давомида қатор қонун лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди. Қатор қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига (parliament.gov.uz) ҳам жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштириб борилди.

“Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт” деган устувор тамойилдан келиб чиқиб, мазкур жамоатчилик муҳокамалари давомида фуқароларнинг қонун лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлари олинди ҳамда улар асосида лойиҳалар маромига етказилди. Чунончи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳасидаги дала четларида ҳамда коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларининг атрофларидаги ер майдонларида, боғ ва токзор қатор ораларида мақбул экинлар экиш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, шу жумладан, фермер хўжаликлари учун мажбурият сифатида белгиланган норма “ихтиёрий норма”-га алмаштирилди.

Палата томонидан давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор қонунларнинг қабул қилингани халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолига енгилликлар яратиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Жумладан, “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги Қонун билан ер участкаси ва унда қурилган бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишнинг аниқ тартиби белгиланди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ва у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши белгилаб қўйилди.




“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига кредит мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан фуқароларга бир қатор енгилликлар тақдим этилди. Жумладан, унда тўлов summаси қарз олувчи жисмоний шахсга ёки қарз олувчи тадбиркорлик субъектига ажратилган микроқарз ёки кредит бўйича мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлмаган тақдирда, биринчи навбатда, асосий қарзнинг узилишини, шунингдек, ажратилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилганда, фоизлар ва неустойкани ҳисоблаш тўхтатилиши белгиланди.

Бундан англашиладики, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилгани юқоридаги каби ижобий натижаларни кўрсатмоқда.

## Таъсирчан парламент назорати

Сир эмаски, ўтган вақт мобайнида парламент назорати давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан жавобгарлигини оширувчи энг муҳим институт сифатида амалиётга татбиқ этилди ва айни пайтда унинг таъсирчан шаклларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳисобот даврида депутатлар корпуси томонидан давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларини назорат қилиш, хусусан, Давлат бюджети, Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш, Ҳукумат аъзолари, давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, қонунларнинг жойлардаги ижроси ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб боришга устувор аҳамият қаратилди.

Шунингдек, Президентимиз раислигида муҳим соҳалар бўйича жорий йилда ўтказилган видеоселектор йиғилишларида ҳамда ҳудудларга ташрифлари давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатилди.

Қонунчилик палатасининг парламент назорати фаолияти жонланганини рақам ва кўрсаткичлар орқали ҳам билиш мумкин. Жумладан, қуйи палата мажлисларида давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан 17 маротаба ахбороти (“парламент эшитуви”) эшитилди. Парламент назоратининг мазкур муҳим институти жамият ҳаётидаги долзарб муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, ижро ҳокимияти эътиборини қаратиш орқали уларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжати — Давлат бюджетининг самарали бажарилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, жорий йилги Давлат дастурининг ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатишда парламентнинг роли тобора ортиб бормоқда. Бу 5 март ва 3 июнь куни қуйи палата мажлисларида Вазирлар Маҳкамасининг ушбу йўналишлардаги ҳисоботларини кўриб чиқиш жараёнида яққол намоён бўлди.

Халқ вакиллари муҳокамалар жараёнида бюджет маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳани ривожлантириш, ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ва таъмирлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби муҳим соҳа ва тармоқларга ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Давлат органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан 8 та парламент сўрови жўнатилди.

Ушбу парламент сўровларида глобал транспорт-логистика тармоқларига Ўзбекистоннинг интеграциясини чуқурлаштириш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш, умумий ўрта таълим ташкилотларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ташаббусли бюджет асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш борасидаги қатор масалалар кўтарилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, парламент фаолияти тарихида илк бор 2018 йилда Қонунчилик палатаси мажлисларида Ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш — “Ҳукумат соати” институти киритилганди. Ўтган даврда мазкур институт имкониятларидан самарали фойдаланилди, десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, сиёсий партиялар фракцияларининг таклифи билан 4 маротаба “Ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда тоғ-кон саноати ва геология, рақамли технологиялар, маданият ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирлари сайловчилар томонидан кўтарилган долзарб масалалар юзасидан депутатлар саволларига жавоб берди.

Депутатларнинг жойларда ўтказган ўрганишлари, сайлов округларида ўз сайловчилари билан учрашувлари давомида ҳамда фуқароларнинг мурожаатларида кўтарилган долзарб муаммоларни ҳал этиш учун мансабдор шахсларга жами 90 та депутат сўрови юборилди.

Умуман олганда, парламент назорати тадбирлари давомида тегишли соҳани ривожлантириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса Ҳукумат аъзоларининг, мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириб, фаолияти самарадорлигини янада оширишга, пировардида, фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлашга, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ёрдам бермоқда.

## Сайловчилар кўтараётган масалалар — депутатлар эътиборида

Аҳоли билан яқиндан мулоқот қилиш, сайловчиларни қийнаб келаётган масалаларни ҳал этиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Аввалари депутатлар бир йилда уч-тўрт марта учрашувларга чиққан бўлса, эндиликда ҳар ойнинг охирги ҳафтасини депутатлар сайлов округларида ўтказишлари белгиланди. Бу орқали халқ вакиллари ўз сайловчиларининг эҳтиёжлари, муаммолари ва сайлов округидаги ҳақиқий вазият тўғрисида ахборот олишини таъминловчи тизим шаклланди.

Бинобарин, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини ўрганиш, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, фракциялар фаолияти ҳақида аҳолига ахборот етказиш, амалдаги қонунчиликнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашда депутатларнинг сайловчилар билан жойлардаги учрашувлари муҳим аҳамият касб этади.




Сайлов округларидаги фаолияти давомида депутатлар томонидан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатилди, улар фаолиятини самарали ташкил қилишга кўмаклашилди, ушбу жараёнларга бевосита маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам жалб этилди.

Депутатлар ўз ҳудудидаги Президент Халқ қабулхоналари билан доимий алоқа ўрнатган. Парламентарийлар томонидан сайлов округларидаги фаолияти давомида Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда фуқароларнинг қабуллари ҳам ташкил қилинди. Уларда 7 939 нафар фуқаро қатнашди.

Умуман айтганда, сайлов округларида олиб борилган ишлар давомида депутатлар томонидан жами 7 365 та объектга, шу жумладан, 2 450 та хонадонга ташриф буюрилиб, 2 513 та учрашув ўтказилди. Уларда 54 мингдан зиёд фуқаролар, шу жумладан, 4 385 нафар тадбиркор билан бевосита учрашув ва мулоқотлар ташкил этилди ҳамда 1 554 та ижтимоий соҳа объектининг фаолияти билан танишилди.

Мулоқотлар чоғида сайловчилар томонидан жами 4 841 та масала кўтарилди. Халқ ноиблари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида улардан 477 таси *(9,9 фоизи)* жойида ҳал этилди. Аҳолини ташвишлантираётган, жойида ечилмаган, туман ва шаҳар даражасидаги 3 166 та *(65,4 фоиз)* ҳамда вилоят даражасидаги 1 044 та *(21,6 фоиз)* масалани маҳаллий ижро ҳокимияти билан биргаликда ҳал этиш чоралари белгилаб олинди. Вақт, молиявий маблағ талаб қиладиган, хусусан, республика даражасида аниқланган 154 та *(3,2 фоиз)* масала эса назоратга олинди.

Депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти сайловчилар билан яқин алоқалар мунтазамлигини таъминлаш, аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган, жамият олдида турган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш имконини бермоқда. Шунингдек, бу аҳолининг кайфиятини, ислоҳотларга нисбатан муносабатини яқиндан ўрганишга ҳамда уларни мамлакат ҳаётига дахлдор масалалар юзасидан муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этяпти.




## Мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалар

Мамлакатимизда прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат юритиш, қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини янада кенгайтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётгани натижасида нафақат яқин қўшниларимиз, балки иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатлар билан ҳам тенг манфаатли ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилмоқда.

Мазкур жараёнда Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва самарали ҳамкорлик алоқалари изчил давом эттирилиб, депутатлар корпусининг мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, парламентлараро муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш борасидаги ишлари янада жонланмоқда.

Ҳисобот даврида хорижий парламентлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро делегациялар алмашинувлари амалга оширилди, чет эллик парламентарийлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, элчилар ва бошқа дипломатик корпус вакиллари билан учрашувлар ўтказилди, парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларининг йиғилишлари ташкил этилди.

Айтиш жоизки, қуйи палатада хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар делегациялари билан қатор учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, парламентимизнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатига доир муҳим масалаларни ҳал этишдаги иштирокини фаоллаштириш ва кенгайтиришда, парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, ҳисобот даврида 6 та хорижий давлат парламенти раҳбарлари *(Грузия, Сингапур, Тожикистон, Туркия, Миср ва Малайзия)* билан ўтказилган учрашувлар парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини берди.

Қайд этиш керак, бугунги кунда Қонунчилик палатасининг хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларини янада ривожлантиришда парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари очиқ, конструктив ва жонли мулоқот олиб бориш учун ўзига хос институтга айланди.

Мазкур парламентлараро тузилмаларнинг самарали фаолият юритиши мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, ўзаро ҳамкорликни янада жадаллаштириш, Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш учун яқин алоқаларни ўрнатишга хизмат қилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда Олий Мажлисда жами 57 та хорижий давлат парламенти ҳамда Европа Иттифоқи парламенти билан парламентлараро гуруҳлар фаолият юритмоқда.

Қонунчилик палатасининг халқаро ташкилотлар ва парламентлараро тузилмалар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи янада ортишида, олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини дунё ҳамжамиятига етказишда муҳим ўринга эга.

Ҳисобот даврида депутатлар Парламентлараро Иттифоқ, Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси каби нуфузли парламентлараро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этди.

Умуман олганда, ўтказилган халқаро тадбирлар, учрашувлар ва амалий мулоқотлар мамлакатимизнинг чет эл давлатлари билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, хорижий давлатлар парламентлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада фаоллаштиришда муҳим омил бўлди.

*Мухтасар айтганда, Қонунчилик палатасининг 2024 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар ва мақсадларни рўёбга чиқариш, амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантириш борасидаги ишлар устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.*

*Ушбу фаолият иккинчи ярим йилликда янада изчил давом эттирилиб, бунда депутатлар корпусининг янада фаол, ташаббускор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, фуқаролар манфаатларини ифодаловчи, том маънода, ҳақиқий демократик орган сифатида шаклланган, мамлакатда амалга оширилаётган улкан ва кенг кўламли ислоҳотларга жалб этилган парламент кейинги фаолиятида ҳам халқимиз фаровонлиги, янги Ўзбекистон тараққиёти, уни дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтаришда фаол иштирокчи бўлади.*

**«Халқ сўзи».**




**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан Қорақалпоғистоннинг Кегейли, Қораўзак ва Чимбой туманларида қишлоқ аҳолисига муқобил даромад манбаи сифатида сув тежовчи технологиялар ўрнатиб берилди.**

# МАРДИ МАЙДОН ЭЛЛАРИМ БОРДИР

*Давлатимиз раҳбарининг “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори янги Ўзбекистонимиз маънавий-ижтимоий ва адабий-маданий ҳаётида том маънода тарихий воқеа бўлди.*

*Алғов-далғов бўлиб ётган бугунги нотинч дунёда, ташвишу таҳликаси ортиб бораётган рўйи заминда, албатта, миллий ва умумбашарий қадриятлар сирасига кирувчи, юксак инсоний ғояларни тараннум этган бобокалонларимизнинг адабий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бағоят муҳим ва эзгу ишдир. Ўз ижоди билан фақат одамийликни, тинчлик ва омонликни, эллар, элатларнинг дўстлиги ва оғизбирчилигини тараннум этган ҳазрат Ажиниёзнинг ибратли ҳаёти ҳамда фаолияти юксак эътибор ва таҳсинга сазовордир.*



## Ажиниёз таваллудининг 200 йиллигига

Олиймақом ҳужжатда алоҳида урғу берилганидай Ажиниёз: “ўзининг бетакрор ва сермазмун ижоди билан халқимиз маданияти ва адабиётини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва оғизбирчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган улкан ижодкордир”. Бобо шоирнинг ижоди кенг қамрови ва кўлами билан қалбларни забт эта олган тошқин дарёга ўхшайди. Шоир умри давомида халқ дарди билан яшади, халқнинг орзу-умидлари ва эзгу ниятларини куйлади. Туркий халқлар орасида ғоят машҳур ва тилларда достон бўлди.

Ушбу қарор айтиш мумкинки, давлатимизнинг маънавий ҳаёт соҳасида олиб бораётган кенг кўламли ислоҳотларнинг халқимиз турмушидаги амалий ва ёрқин намунасидир. Ўз замонасидаги Хиванинг машҳур Шерғозихон ва Қутлимурод мадрасаларида таълим олган, ҳам шарқона, ҳам исломий билимларни чуқур эгаллаган шоир навқирон ёшиданоқ эл назарига тушиб, обрў ва эътибор қозонган. Талабалик пайтидаёқ чиройли ҳуснихат соҳиби сифатида котиблик қилган, хаттотлик санъатини маҳорат билан эгаллаган, Алишер Навоий девони қўлёзмасини кўчирган.

Унинг бутун ҳаёти мураккаб синовларга тўла, эл-улуси, турмуши-рўзғоридан айро тушиб, мусофирлик нон-тузини тотган, шунда ҳам тушкунликка тушмай, одамларнинг бирлиги ва аҳиллигини авж пардаларда янгратган мустаҳкам иродали ва матонатли куйчидир. Шоир ҳаётидан мисол келтирадиган бўлсак, унинг яккаю ягона қуроли дўмбираси ва қўшиқлари бўлган. Сўз билан, шеър билан, ҳазил-мутойиба, ўтлиғ ва ўткир сатрлар билан ғанимларини мот қилиб, ҳамиша майдондан ғолиб ва музаффар чиққан.

*Яхши йигит кураш куни*
*Синалур майдон ичинда.*
*Мард билан номарднинг фарқи*
*Билинур майдон ичинда.*

Мардлик ва номардлик, эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва маккорлик, ҳасад, риё, фисқу фасод нима эканини олам аҳли бугун ҳамишагидан кўра аниқ-тиниқ кўриб-билиб турибди. Ажиниёзнинг мардлик, матонат ва шижоат мавзуларидаги оташин наволари шунинг учун ҳам ҳар доимгидан долзарброқ жаранглайди. Айнан шу жиҳатлари, умуминсоний ғоялари, эзгу орзу-армонларининг оламшумул аҳамияти туфайли шоир таваллудининг 200 йиллигини нишонлаш чора-тадбирлари ЮНЕСКОнинг халқаро юбилейлар режасига киритилгани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

“Элларим бордир” шеърида айнан шу мавзулар Жайҳун дарёнинг тошқин долғаларидек жўшқин пардаларда куйланади.

*Сўрасанг элимни, Қожбон, бизлардан,*
*Қалпоғи қозондай элларим бордир.*
*Хато чиқса, кечиринглар сўзлардан,*
*Хитой, Қўнғирот отли элларим бордир.*

*Ёлғон сўзни ишонтириб айтмаган,*
*Тўғри йўлдан бош кетса ҳам қайтмаган,*
*Номардларни сира йўлдош тутмаган,*
*Номи қорақалпоқ элларим бордир.*

(Рустам Мусурмон таржималари)

Шеърда “элларим” дебон алоҳида фахр билан мадҳ этилгани — демак, ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа эллар-элатлар ҳам назарда тутилгани, шак-шубҳасиз, иштибоҳга ўрин қолдирмагай.

Юқорида айтилганидек, сарсон-саргардон ҳаёти давомида ўз элдошларини соғиниб яшаган шоир бир умр Мўйноққа талпинган, овулдошларининг соғинчини шеърга солган. Беихтиёр давлатимиз раҳбарининг бугунги ўзгаришларни назарда тутиб, бутун қорақалпоқ диёрида, жумладан, Мўйноқдаги бунёдкорлик ишларига берган таърифи ёдга тушади: **“Маданият Мўйнокдан бошланади! Кимки, бизнинг истоҳотларимизга шубҳа билан қарайдиган бўлса, келиб бугунги Мўйноқни кўрсин!”**

Биз турфа қалам аҳли, шоир-ёзувчилар Мўйноққа ижодий сафарларимиз давомида Ажиниёз бобонинг қабри қай бир чеккада, деган гапни кўп маротаба эшитганмиз. Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, таниқли адиб Кенгесбой Каримовнинг бобонинг қабри қадам етмайдиган адоғ жойда, у ерга бориш қийин деган, армонидан ҳам хабардор эдик.

Бугун Мўйноқ аэропортига самолётлар қатнови йўлга қўйилган. Чор-атроф обод ва саришта. Қарорда алоҳида эътибор қаратилганидек, Ажиниёз бобонинг Мўйноқ туманидаги мангу қўним топган қабрини ободонлаштириш, шоирга муносиб ёдгорлик ўрнатиш, ушбу сарзаминда Ажиниёз Қўсибой ўғли номидаги экопарк, яъни боғ-хиёбон барпо этиш айни муддаодир.

Ажиниёз асарлари шу пайтга қадар ўзбек тилида кўп нашр этилмаган бўлса-да, лекин у ўзбек халқининг ҳам шоири саналади. Қўшиқларини тинглаганмиз, халқона ўланларига мафтун бўлганмиз. Қарорга мувофиқ, шоирнинг “Танланган асарлар” китобини ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр қилиш, шоир фаолиятига бағишлаб ёзилган бадиий, илмий-оммабоп асарларни қайта чоп этиш ва тақдимотларини ўтказиш алоҳида вазифа қилиб белгиланган.

Президентимиз ташаббуси билан нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” юз жилдлик китоблар мажмуасида қорақалпоқ адабиёти, жумладан, Ажиниёз шеърларига ҳам кенг ўрин берилган. Шу пайтга қадар таниқли ижодкорларимиз, Қорақалпоғистон халқ шоирлари — Рустам Мусурмон ва Музаффар Аҳмад томонидан Ажиниёз асарларидан намуналар таржима қилинган эди. Шу кеча-кундузда бобо шоир адабий мероси янгидан таржима қилинди, тўлиқ ва яхлит ҳолда чоп этишга тайёрланди. Насиб қилса, ушбу муҳташам китоб ўзбек ва қорақалпоқ тилларида кўркам дизайн, замонавий матбаа санъати безаклари билан алоҳида-алоҳида тўплам шаклида нашр этилади.

Қарордан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмалари, уюшманинг вилоят бўлимлари, ижод мактаблари ва албатта, олий ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари ва билим даргоҳлари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик иштирокида белгиланган тадбирлар юксак даражада ўтказилади. Ушбу вазифалар ижроси бўйича режа ва дастурлар белгилаб олинди.

Ажиниёз бобо ҳаммамизга дахлдор, ҳаммамиз учун қадрли. Устоз Абдулла Орипов таржимасида машҳур бўлган Ибройим Юсуповнинг “Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан” шеърининг қуйидаги сатрлари бугуннинг эзгулик даъватига айлангани ҳам бежиз эмас.

*Мен уни тингласам — қолмай тоқатим,*
*Кўнглимда сайраган мастона булбул.*
*Мен уни тингласам — туққан элатим,*
*Ер жаннати бўлиб кўрингай буткул.*

*Юлдузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,*
*Ёмон шоирларни уялтмоқ бўлсанг,*
*Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,*
*Айт сен Ажиниёз қўшиқларидан!*

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Сурхондарё гиламлари хорижда ҳам харидоргир

*Термиз туманидаги Янгиобод маҳалласида жойлашган “Termez national carpets” масъулияти чекланган жамиятида саноат усулида йилига 2,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу ишлаб чиқариш мажмуаси йирик саноат корхоналаридан бири саналади.*

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Давлатимиз раҳбари ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида ўтган йили 13 март куни Сурхондарё вилоятида бўлганида ушбу ишлаб чиқариш мажмуаси фаолияти билан танишиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида ўзининг тавсия ва кўрсатмаларини берган эди. Ўтган вақтда бу ерда 4 миллион долларлик маҳсулот хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди.

Ушбу хўжалик субъекти Германия, Бельгия, Туркия каби давлатлардан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Цехларда барча ускуна автоматлаштирилган тизим асосида ишлайди. Бу ерда гилам тўқиш учун мўлжалланган 4 та йирик дастгоҳ мавжуд бўлиб, ҳар бир дастгоҳ бир суткада 1500 — 2000 квадрат метр гилам ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологиялар жорий этилган.



— Гилам тўқишда ишлатиладиган 80 фоиздан ортиқ хомашё маҳаллийлаштирилган, — дейди МЧЖ раҳбари Собир Раҳмонов. — Хусусан, полипропилен хомашёси “Uz-Kor Gas Chemical” корхонасидан харид қилинади. Қолгани эса Туркия ва Бангладешдан олиб келинмоқда. Асосий харидорларимиз орасида Қирғизистон, Россия, Озарбайжон ҳам бор. Сўнгги русумли ускуналаримиз маҳсулот сифати юқорилигини таъминламоқда. Ҳозирда амалга оширилаётган янги линия лойиҳаси якунига етгач, ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, янги иш ўринлари очилади.

Олти гектар майдонда жойлашган фабрика тайёр маҳсулотларининг 50 фоизини қўшни давлатлар — Афғонистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспорт қилмоқда. Вилоятнинг географик жойлашуви эса масофа ва маҳсулот логистикасига қулайлик яратмоқда.

Мажмуа ишга туширилган дастлабки йилда Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларига 255 минг долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари экспорт қилинган эди. Ўтган йили 4 миллион долларлик маҳсулот хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Жорий йил охиригача ушбу рақам янада ўсиши кутилмоқда.

Бу ерда ўндан ортиқ турдаги гиламлар тайёрланмоқда. Эътиборлиси, ишлаб чиқаришда аҳолининг харид қобилиятидан келиб чиқиб, ички бозор ҳам инобатга олинган. Энг муҳими, цехларда 120 нафар киши доимий иш билан банд.

— Гиламларга нақш босишда замонавий технологиялардан фойдаланамиз, — дейди корхона дизайнери Холмурод Суюнов. — Устозим туркиялик машҳур дизайнер Дениз Ялчиндан гиламларга компьютер орқали автоматик тарзда гул босишни қунт билан ўргандим. Ҳозирда мустақил равишда гиламлар дизайнини яратяпман. Илгари қўлимда ҳеч бир ҳунарим йўқ эди, ишсиз юргандим. Корхона очилгани мен каби ёшларга қўл келди. Бугун қўлимда ҳунарим ва барқарор маошим бор.

Бугунги кунда вилоятда йирик заводу фабрикалар, бизнес тузилмалари кўпайиб бормоқда. Бу иқтисодий юксалиш ва фаровонлигимиз тимсолидир. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу — тараққиёт, юксалиш ва фаровонлик.

**Фарҳод ЭСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

**Oʻzbekiston Milliy universiteti Harbiy tayyorgarlik oʻquv markazi**

**boʻsh ish oʻrinlari**

**1. Aviatsiya mutaxassisliklari va harbiy tashuvlar sikli:**
**Katta oʻqituvchi** — 2 ta;
**Oʻqituvchi** — 3 ta.

**2. Maxsus tayyorgarlik sikli:**
**Katta oʻqituvchi** — 2 ta;
**Oʻqituvchi** — 3 ta.

**Tanlovda qatnashadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:**

1. Universitet rektori nomiga ariza (Harbiy tayyorgarlik oʻquv markaziga kadrlar boʻlimiga taqdim etiladi);
2. Xodimlarni hisobga olish boʻyicha shaxsiy varaqa (maʼlumotnoma);
3. Xodimlarning yaqin qarindoshlari toʻgʻrisida maʼlumotnoma;
4. Oliy harbiy bilim yurtini tugatganligi toʻgʻrisidagi diplomlar nusxasi;
5. Ilmiy unvoni hamda ilmiy daraja toʻgʻrisidagi diplomlar nusxasi;
6. Ilmiy ishlari roʻyxati (soʻnggi 3 yil);
7. Malaka oshirganligi toʻgʻrisidagi guvohnoma nusxasi.

**Hujjatlar 2024-yil 20-avgustgacha qabul qilinadi.**
**Manzil: 100174, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Universitet koʻchasi, 4-uy, OʻzMU HTOʻMning xodimlar boʻlimi. Telefonlar: 71-246-07-00; 94-662-83-38.**

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

## Қўшма лойиҳаларни амалга ошириш — муҳокама марказида

*Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Музаффар Мадраҳимов Кипр Республикаси Савдо-саноат палатаси президенти Ставрос Ставроу билан учрашув ўтказди.*

Мулоқотда иқтисодий дипломатияни фаол ривожлантириш, савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш, икки мамлакат ишбилармон доираларининг шериклик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз бозорига киришга қизиқиш билдирган Кипр Республикасининг етакчи компаниялари вакилларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, “яшил” энергетика, тўқимачилик, туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

## Шоҳимардонда кичик ГЭС иш бошлади

*Фарғона туманидаги Шоҳимардон қишлоғида кичик гидроэлектр станцияси иш бошлади.*



Замонавий мезонлар асосида бунёд этилган юқори кучланишли ушбу гидроиншоот қаҳратон қишда ҳам тўла қувват билан ишлайди. У йилига 13 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 3,5 миллион метр куб табиий газ сарфининг олдини олишга хизмат қилади.

Янги иншоот маҳаллий аҳолининг электр энергияга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш билан бирга, эҳтиёждан ортганини қўшни Қирғизистонга ҳам экспорт қилиш имкониятини беради.

## Ўзбекистон маҳсулотларининг Лондондаги намойиши

*14 — 16 июль кунлари Лондонда бўлиб ўтган “Pure London — 2024” халқаро кўргазмасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил саноат ва ипак маҳсулотлари тақдимоти ташкил этилди. У Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси томонидан “Samo Art Academy” дизайнерлик уйи билан ҳамкорликда уюштирилди.*

“Pure London” халқаро кўргазмаси мода саноати вакиллари учун йирик тадбирлардан бири ҳисобланади. Енгил саноат ва чармсаноат маҳсулотлари намойиш қилинадиган ушбу ярмарка йилига икки марта — февраль ва июль ойларида ўтказилади.

Ҳар йили мазкур кўргазмада мингдан ортиқ таниқли бренд ва дизайнерлар ўз маҳсулотларини намойиш этади.

## Автобус хизмати бепул

*Урганч халқаро аэропорти учиш-қўниш йўлаги реконструкция қилиниши муносабати билан “Uzbekistan Airports” Нукус ва Урганч аэропортлари ўртасида бепул трансфер хизматини тақдим этади.*



Айтилишича, реконструкция даврида барча режалаштирилган рейслар Нукус халқаро аэропортига йўналтирилади. Автобуслар йўловчиларни жўнаб кетишда ҳам, учиб келишда ҳам манзил аэропортига олиб боради.

Эслатиб ўтамиз, Урганч халқаро аэропорти учиш-қўниш йўлаги реконструкция қилиниши муносабати билан 20 июлдан 7 августга қадар ёпиқ бўлади.

**«Халқ сўзи».**

**Қирғизистонда ёшлар ўртасида теннис бўйича J60 таснифига кирувчи “ISSYK-KUL SUMMER — 2024” халқаро турнирида 4 нафар теннисчимиз чорак финалда иштирок этади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.42 Топширилди — 01.40 1 2 3 4 5 6